

## Мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди

15:53 / 20.10.2018 2978

Аллоҳ таоло Юнус сурасида марҳамат қилади:

﴿لِّلْمُؤْمِنِينَ وَرَحْمَةٌ مِّنْهُدَى الصُّدُورِ لِمَا وَسَّوَّاكَ رَزَقْنَاكَ مِنْ غَيْرِ مَوَظِعَةٍ جَاءَتْكَ قَدَّ النَّاسُ بِتَأْيِيدِهَا﴾

**«Эй одамлар! Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан мавъиза, кўкслардаги нарсага шифо, мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди» (57-оят).**

Эй одамлар! Қуръонни ёлғон деманг! Қуръонни Фалончи тўқиган, деманг! Унинг тўғрисида шубҳа қилманг.

**«...сизга Роббингиздан мавъиза» келди.**

У сизларга икки дунё бахтига эришишингиз учун керакли мавъизалар, панд-насиҳат ва кўрсатмалар йўллади.

Бу Қуръон оддий китоб эмас, у Роббингизнинг ҳузуридан

**«...кўкслардаги нарсага шифо...»** бўлиб келгандир.

У қалбингиздаги руҳий, маънавий дардларингизнинг барчасига шифо бўлиб келди. Шуларнинг қаторида сизнинг ичингиздаги

**«...мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди».**

Ким Қуръонга иймон келтириб, мусулмон бўлса, у ўша одамни ҳидоятга бошлайди, Аллоҳнинг раҳматига эриштиради.